ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

С.Р.Мирзаева

Мақолада Ғафур Ғуломнинг фольклор анъаналаридан фойдаланиш маҳорати “Тирилган мурда” ва “Шум бола” қиссалари мисолида ўрганилган. Халқ эртакларидаги айрим мотивларнинг адиб қиссаларидаги кўринишлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *фольклор анъаналари, эртак, қисса, бошлама, маҳорат.*

В статьена примерах повестях “Воскресший труп” и “Озорник” изучено мастерство Гафура Гуляма в использовании фольклорных традиций. Исследовано проявление некоторых сказочных мотивов в повестях писателя.

Ключевые слова: *фольклорные традиции, сказка, повесть, зачин, мастерство.*

The article explores the mastery of using the folk traditions of Gafur Ghulam on the examples of the stories “Tirilgan murda” and “Shum bola”. The Manifestation of some fabulous motifs are also investigated in the writer’s stories.

Key words: *folklore traditions, fairy tale, story, origin, skill*

Ғафур Ғулом фольклор анъаналарига ижодий ёндашган ҳолда қатор ўлмас асарлар яратдики, улар ҳозирга қадар ҳам адабиёт мухлисларининг бебаҳо хазинаси сифатида яшаб келмоқда. Фольклор анъаналаридан фойдаланиш усули Ғафур Ғуломнинг ҳаёт воқелигини кенгроқ қамраб олиш, реал воқеликни кўламлироқ кўрсатиш мақсадида ёзилган йирик асарларида ҳам муваффақиятли синаб кўрилди. Унинг “Тирилган мурда” (1934) қиссаси фольклор мотивлари асосида яратилган илк эпик асари бўлди.

Диққат қилинса, қиссанинг бошланиши ҳам кичик жанрлардаги анъаналарни ижодий ривожлантиргандек тасаввур уйғотади. Муҳими шундаки, Ғ.Ғулом ушбу асарида халқ эртакларига хос анъанавий бошламани реал макон, реал қаҳрамон билан боғлиқ ҳолда қўллаб, ўқувчининг асарга бўлган қизиқишини кучайтиришга эришади: “...Бир бор экан, бир йўқ экан, кўк гумбазнинг тагида, ер тарвузининг устида, инқилобдан илгари ҳам Андижон деган бир шаҳри азим бор экан ва бу шаҳарга теварак-атрофдаги бир талай қишлоқлар ҳам қарашли экан. Қишлоқлар, жамоалар шунчалик кўп эканки, агар ҳар қишлоқ ҳар бир келганида қовун ортиб келса, Андижондай шаҳри азимнинг Чархипалак деган катта гузари жуда томоша бўлар экан. Агар ҳар қишлоқ бир саватдан анжир келтирса, Андижоннинг узум бозорига кирган киши мазза қилиб чиқар экан...” [1. 43 – 44].

Эртакона услубда бошланган бу асарда ҳар бир сўз, оҳанг ва баён ритми кишини воқеалар оқимига кучли жалб этади. Адиб қаҳрамонлари билан таништирар экан, уларнинг эртак персонажларига ўхшашини ҳам таъкидлаб ўтади. Масалан, қиссанинг бош образини у шундай таништиради: “Мулла Мамажон ўз даврида ялқовлик билан “Алиф лайла ва лайлата”даги Абу Танбални бир чўқишда қочирадиган киши бўлган экан”.

Маълумки, омади юришган, бахти очилган дангаса образи Шарқ халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган. Ғ.Ғулом “Тирилган мурда” қиссасида Абу Танбални ҳам бир чўқишда қочирадиган ялқов Мамажоннинг бахтга эришишини фольклордан бутунлай фарқ қилувчи усул билан тасвирлайди. Аниқроғи, унинг қайта тарбияланиши фақат меҳнат жараёни қучоғида кечади. Ялқов ва дангасалар ҳақида эртак ва нақлларда эса улар фаровон ҳаётга, бахтга тасодифлар, сеҳрли буюмлар ёрдамида эришадилар. Ғ.Ғулом қиссасидаги Мулла Мамажон эса эртаклардаги эринчоқ, дангаса шахслардан ҳам баттар бўлиб, у олдидаги овқатни ичишга ҳам эринади. Ушбу образни яратишда адиб эртаклардаги ялқовлар, дангасалар образидан ижодий фойдаланган.

Қаҳрамоннинг реал ҳаётга, кишилар орасига олиб чиқишда Ғ.Ғулом асарга дастлаб туш мотивини киритади. Халқ эртаклари ва достонларида туш мотиви бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш вазифасини ўтайди. Адиб эса ана шу анъанавий мотивдан ҳам ижодий фойдаланади. Асардаги Мамажон ялқовнинг кўрган туши икки вазифани ўтаган. Биринчиси ўқувчи савиясини назарда тутиб, асар бошламасидаги эртакка хос баён услубини изчил давом эттириш ва шу орқали ўқувчининг диққатини асар воқеаларига кучлироқ жалб этиш вазифасидан иборат. Ушбу мотивнинг иккинчи вазифаси эртаклардагидан кескин фарқ қилади. Тушида бадавлат хотин орқали бахтга эришган Мамажон ўнгида бунинг бутунлай аксини кўради. Қиссадаги туш мотиви инсон эндиликда ўз бахтига

фақат меҳнат орқали эришиши мумкин, деган ғояни тасдиқлаш учун хизмат қилдирилган. Туш кўриш эпизодининг қандай воқеа билан боғланиши адибнинг анъанавий эртак мотивини реал воқелик, давр талаби асосида кучли ривожлантира олганидан далолат беради. Чойхоначи ҳўл тол ёғочидан ҳасса йўниб, бахт ҳақида ширин хаёл суриб, ажойиб тушлар кўрадиган Мамажонга бериб, чойхонадан қувади. Бу билан адиб энди хаёл суришнинг, туш кўришнинг вақти ўтди, бахтингизни меҳнат қилиб, курашиб топинг, демоқчи бўлади. Фольклорга хос анъаналарни аксинча мақсадларда қўллаш, уларни давр талабларига бўйсундириш Ғ.Ғуломнинг халқ оғзаки ижодидан ижодий фойдаланишидаги етакчи томонларидан бири ҳисобланади.

Мамажон образи XX асрнинг 30-йиллари ўзбек адабиётидаги бутунлай янги адабий тип бўлди. Ғ.Ғулом танбал, ялқов образини ўзининг ғоявий-бадиий ниятига мос ҳолда танлади. Инсон боласи туғма мажруҳ бўлиб туғилиши мумкин, аммо у туғма ялқов, танбал бўлиб туғилмайди. Қўйилган тайёр хўрани ейишга эринадиган Мамажон жамоа таъсирида ишбилармон, илғор бригадир даражасига кўтарилади. Адибнинг фольклор анъаналарига мурожаат қилиши, бадиий ғояни халқ оғзаки ижоди анъаналари ёрдамида ифодалаши, биринчидан, даврнинг адабиёт олдига қўйган талаби маҳсули бўлса, иккинчидан, бевосита Ғ.Ғуломнинг истеъдод йўналиши билан боғлиқ эди.

Ғ.Ғулом эртак сюжетини асарга шунчаки олиб кирмади, унинг ҳар бир халқасига изчил ғоявий-бадиий вазифа юклади. Шунинг учун ҳам қиссадаги ҳар бир деталь маълум бир юк ташийди. Шу ўринда адолат юзасидан айтиш лозимки, баъзи халқ эртакларидаги ялқов қаҳрамонлар ўз бошларидан кўп саргузаштларни, қийинчиликларни ўтказиб, ўз ақл-идроки билан бахтли турмушга эришадилар. “Тирилган мурда” қиссасининг қаҳрамони эса эркин меҳнат жараёнида, ўзга кишиларнинг самимий ёрдамлари орқали ўзлигини, инсонлигини англаб етади. Шу сабабли Мамажон характерининг шаклланиши, ривожланиш жараёни ўқувчида шубҳа туғдирмайди.

Қиссанинг якуни ҳам эртакона оҳангда бўлиб, асар бошланишидаги ифода руҳи, оҳанги билан боғланади: ”Бир бор экан, бир йўқ экан, Андижон деган шаҳар ҳали ҳам бор экан... Шу колхозлар ичида... бир колхоз ҳам бор экан. Бунда раис бўлиб Саттарқул ака, бригадир бўлиб Мамажон Муҳаммадали ўғли турар экан...” Келтирилган иқгибосдан кўриниб турибдики, Ғ.Ғулом “Тирилган мурда” қиссасини фольклорга хос баён усулини ижодий қўллаш орқали яратган.

Ғ.Ғуломнинг фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланиш асосида ёзилган яна бир қиссаси “Шум бола” ҳам адибнинг халқ оғзаки ижодини чуқур бадиий синтез қилишининг юксак намунаси саналади. “Шум бола” қиссасидаги воқеалар Биринчи Жаҳон уруши даврида бўлиб ўтади. Асар маълум даражада биографик характерга эга. Ғ.Ғуломнинг ўзи бу нарсани А.Наумов билан қилган суҳбатида алоҳида қайд этади: “Шум бола” устида ишлаганимда, бошқа проза асарлари каби уни ҳам қийналиб ёзганман, лекин шодиёна руҳ мени тарк этмади. Дастлабки ният қанақа эди: болалигим тўғрисида автобиографик қисса ёзмоқчи эдимми ёки қувноқ саргузаштлар билан тўла болаларбоп бир китобчами, буни ҳозир аниқ айтолмайман. Тўғриси, камолот остонасига қадам қўйган бошқа адиблар каби тўсатдан мен ҳам ўзгалар ҳаётига доир шу чоққача деталлар йиғиб юрганимни, ўзимнинг азиз ва қимматли ҳаёт материалларим эса деярли қўл урилмай, шундоққина турганини пайқаб қолдим... Болалик хотираларимни хаёлан тартибга солар эканман (улар бир китобдан ошиб қолар эди) чанг тўзонли лойшувоқ маҳалланинг ялангоёқ қаҳрамони ҳақида, унинг қисматига тушган севинч ва туйғулар тўғрисидаги дастлабки бобларни ёзар эканман, чиндан ҳам ўзим ҳақида ёзганман деб ўйлар эдим. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Лекин “Шум бола” четдан бундай бир кўз ташлаб қарасам, йўқ, бу худди мен эмасман. Балки мутлақо мен эмасман. Халқимиз болалари юз йиллар мобайнида кечирган саргузаштларнинг аксариятини қаҳрамонимга беихтиёр сингдираверибман. Сезиб ҳайрон бўлиб қолдим” [2.20].

Ўзбек адабиётининг дастлабки йилларида яқин ўтмишнинг фожиали томонларини фош этиш, тузумнинг адолатсизликларини тасвирлаш адабиётнинг етакчи тамойилларидан бири бўлиб қолган эди. Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор каби адибларнинг ҳикояларида камситилган, хўрланган меҳнаткаш халқ вакилларига нисбатан хайрхоҳлик билдиришар эди. Ўтмиш даҳшатли ва айни пайтда кулгили ҳамдир. Халқ ўз йўлида тўғаноқ бўлганлар устидан қанча қаттиқ кулса, унинг порлоқ келажаги ҳам шунча яқин бўлади. “Шум бола” қиссасида ана шундай қудратли куч яширинган.

Ғ.Ғулом каҳрамони – шумтака бола. Боланинг дунёси эса эртакка яқин. Ўтмишда эса болаларни фақат эртаклар тарбиялар эди, уларнинг дунёқараши эртаклар таъсирида шаклланарди. Шу боис Ғ.Ғулом асар воқеаларига фольклор аньаналарини олиб кирди. Бу асар экспозициясидаги чойхона тасвиридан ҳам аён бўлади, адиб асар бошламасиданоқ ўқувчини фольклор дунёсига олиб киришга тайёрлайди. Айниқса, қаҳрамоннинг ёшлик ўйинлари ҳақидаги ҳикоялари, хусусан, “Қушим

боши” ўйини тасвирланган ўринлар қадимги халқ болалар ўйинлари, одатлари оламига китобхонни худди ҳаётдагидек табиий етаклайди.

Асардаги бир неча эпизодлар Ғ.Ғулом томонидан “Тум сағирлигим” номли халқ эртагидан олинган. Айни мана шу эртак қиссадаги учта эпизодга асос бўлган. Биринчи эпизод қисса сюжети учун воқеалар тугуни вазифасини ўтаган. Шум боланинг уйидан кетиб қолиш сабаби юқоридаги эртакдан ижодий ўзлаштирилган. Шум бола онасидан яширинча тухум олиб чиқмоқчи бўлади ва тухумни қалпоғи остига яширади. Онаси ўқлоғи билан боласининг бошига бир туширганда, тухум ёрилиб оқа бошлайди. Онаси боланинг бошини ёриб қўйдим, деб қўрқиб кетади. Бундан фойдаланган бола сир очилишидан қўрқиб кўчага қочиб кетади. Бу эпизод қиссада адибнинг болалиги билан боғлиқ ҳолда анча кенгайтириб тасвирланган. Бу ҳақда Ғ.Ғулом А.Наумов билан қилган суҳбатида шундай эслайди: “Ёшим тўққизларда эди. Урган ойим эмас, бувим эди. Буни мендан бошқалар ҳам эслашарди. Тасаввур этасизми, мен яқинда худди шундай воқеани туркман халқ эртаклари китобида учратиб ҳайратда қолдим...” [2. 20]

Учинчи эпизод адибнинг халқ эртагини ижодий ўзлаштирганини яққол кўрсатиб туради. Тақдир шум болани домлага дуч қилади. Домла шум болага ҳўкизнинг касал эканини, агар жуда оғирлашиб қолса, сўйиб ҳалоллашини тайинлайди. Шум бола тунда уйқусираб ҳўкиз қолиб, домланинг эшагини сўйиб қўяди. Эртакда бу воқеа маълум даражада “яланғоч” ҳолда берилган бўлса, Ғ.Ғулом асарида ижтимоий мазмунни таъкидлайдиган реалистик тафсиллар билан бойитилади, Шум боланинг шумлигидан кўра домланинг хасислигига урғу берилган ҳолда тасвирланади. Эртакда бола ўзининг қилмиши очилмасдан олдин жўнаб қолса, қиссада домланинг кулгили ҳолатини таъкидловчи юмористик тасвир берилади. Мазкур мисоллар Ғ.Ғуломнинг эртак сюжетидан моҳирлик билан фойдаланганлигини кўрсатади. Эпизодларни ҳаётий деталлар билан бойитиш орқали адиб фольклор билан реалистик тасвирни бадиий омухталаштиришга эришган. Юзаки қаралса, эртак ва қиссадаги ҳўкиз ўрнига эшакни сўйиб қўйиш эпизоди айнан бир воқеа. Аммо бу эпизод талқинида чуқур ижтимоий мазмун ётибди. Халқ эртакларида меҳнаткаш инсоннинг ҳамма вақт инсофсиз ҳукмдорлардан қасд олиш мотиви ранг-баранг шаклларда учрайди. “Тум сағирлигим” эртагида ҳам қаҳрамон эшакни сўйиб қўйиб, домладан ўчини олади ва шу билан қасд олиш мотиви ўз вазифасини адо этади.

Агар шу мотив шундайича қиссага киритилса, адиб фольклорга хос мотивни айнан кўчириб олган бўларди. Қолаверса, меҳнатсиз кун кўрувчи мутаассиб домла устидан ҳажв ҳам қила олмас эди. Шунинг учун адиб бу мотивга домла билан шум боланинг дастлабки учрашишлари эпизодини қўшади. Кишиларни раҳмдил, адолатли бўлишга чақирувчи домла озгина моддий зарар кўргани учун шум боланинг уйқусини тепки бериш билан бузади. Уч тиллага Бухоройи шарифдан сотиб олган эшагининг янглишиб сўйилгани учун боланинг орқасига болтанинг муҳраси билан уради. Бу эпизод эса кўпгина кишиларнинг тили бошқа-ю, дили бошқа шахслар эканлигини, моддий манфаат учун уларнинг ҳар қандай ярамасликлардан тоймасликларини ёритишда катта имконият берган. Бу нарса Ғ.Ғуломнинг фольклор анъаналарига новаторлик билан ёндашганлигини кўрсатади.

“Шум бола” қиссаси билан эртак ва халқ достонлари композицияси ўртасида жуда кўп умумийликлар бор. Ана шундай умумийликлардан бири асарнинг етим бола саргузаштлари асосига қурилганлигидадир. Адиб шум бола саргузаштларини изчил ғоявий фокусга йўналтирилган ҳолда уни бирин-кетин воқеалар тизими ичига олиб киради. Шум боланинг ёлланиш эпизоди у билан бўлган муносабатда аниқ билиниб туради. Бой иш ҳақи белгилаганда шум боланинг барча шартга кўниши, аммо ора-сира ёлғон айтиб туриши ҳақида хабар бериши кейинчалик асарда кескин комик воқеаларни тасвирлашга имкон беради.

Шум бола арзимаган кичик нарсадан жуда катта ёлғон тўқийди. Сарибойнинг “иннайкейин”ига бола аввалги ёлғонидан ҳам кучлироқ ёлғон қўшиб боради. Халқ оғзаки ижодида ёлғонга кетма-кет ёлғон қўшиб бориш орқали бадиий асар яратиш анъанаси мавжуд. Масалан, “Қирқ ёлғон”, “Уч ёлғонда қирқ ёлғон” эртаклари бунинг ёрқин далилидир. Халқ эртакларидаги ва “Шум бола”даги ёлғон тўқиш икки хил сажияга эга бўлиб, улар ўртасида жуда ҳам нозик ўхшашлик мавжуд. Бу ўхшашлик ҳар иккисида ҳам ёлғоннинг узвий-сабабий боғланишида, яъни бирининг иккинчисини келтириб чиқаришида кўзга ташланади. Халқ ижодига хос бундай сабабий боғланишни Ғ.Ғулом ўз қиссасида ижодий ривожлантирган ҳолда қўллайди. Адиб қўллаган ижодий ривожлантириш эса ёлғонларнинг реал ҳаётийликка эгалигида бўлиб, улар алданаётган персонажни ҳам, ўқувчини ҳам ишонтиради.

Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида фольклор анъаналаридан фойдаланишнинг икки хил кўринишини учратамиз. Биринчи хили фольклордан фойдаланишнинг оддий кўринишидир. Бунда асар иштирокчилари тилидан айтилган халқ қўшиқлари, мақол, матал, қанотли сўзлар, қарғиш ва олқишлар миллий ва маҳаллий колоритни таъминлаш мақ-

садида қўлланган. Асардаги фольклор анъаналаридан фойдаланишнинг бу хили ижодкорнинг халқ ижоди анъаналарига новаторона ёндашувдаги маҳоратини баҳолашга имкон бермайди.

Иккинчиси адибнинг фольклор сюжет ва мотивлари, тасвир усуллари, композиция яратиш йўлларидан ижодий фойдаланишида кўзга ташланади. Фольклор анъаналаридан бундай фойдаланиш синтез характерига эга. Фольклор аньаналарини реалистик воқеалар билан синтезлаштириш Ғ.Ғуломнинг халқ ижодидан новаторона фойдаланишдаги маҳоратини кўрсатади. Фольклор анъаналарига мурожаат қилган Ғ.Ғулом улардан ўзининг ғоявий-бадиий ниятига мосларини танлайди. Қиссанинг халқчиллиги, чуқур реалистик характери ҳам мана шунда. Шу ўринда яна бир нарсани ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Ғ.Ғуломдек улкан санъаткорнинг фольклор анъаналарига мурожаат этиши, халқ ижодининг барҳаёт анъаналарини ижодий ўзлаштириши ўша давр китобхонларининг савиясини назарда тутиш билан ҳам боғлиқ эди. Бундай халқона шаклларни эса халқ ижодининг ўзи бериши муқаррар. Ғ.Ғулом эса йирик санъаткор сифатида буни ўз вақтида тушуниб етди ва фольклор анъаналарини ижодий ўзлаштириб, улкан ютуқларга эришди.

Адабиётлар:

1. Ғулом, Ғафур. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн икки томлик. 5-том.- Тошкент: Фан. 1986.

2. Биографии замысла**:** беседы **с** мастерами узбекской литературы**,** записанные Александром Наумовым**.** **–** Ташкент**:** Ёш гвардия**,** 1974. – 136 с.

3. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами.- Тошкент: Шарқ, 2003.

Андижон давлат университети
2018 йил 20 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Б.Раҳмонов)